

творчеством Бердаха обогатилась национальными письменными дастанными произведениями. Поэт внес большой вклад в литературу XIX века своими достигшими художественного совершенства дастанными произведениями. Его дастаны делятся на два вида: дастаны произведения с историческим сюжетом: «Хорезм», «Шежире», «Амангельды», «Айдос бий», «Ерназар бий». И второй вид: масштабные литературно-художественные произведения «Акмак патша», «Еркебай», «Раушан» [8:78-79]. В каракалпакской литературе XIX века формируется крупная форма эпической литературы. Эпические произведения Бердаха являются еще одной ступенью в рождении эпопеи нового времени.

60-70-е годы XX века время дальнейшего развития жанровых форм и тематического разнообразия национальной прозы.

Тенденция к созданию крупномасштабных эпических произведений наметилась в каракалпакской литературе XX века. Примером этого являются большие эпические произведения написанные стихами народных шаиров А.Дабылова «Бахадыр», С.Нурумбетова «Бахтияр», Т.Жумамуратова «Красавица Макарья». Как известно первые каракалпакские романы XX века это произведения А.Бегимова «Дочь рыбака», Ж.Аймурзаева «На берегах Аму», О.Айжанова «В объятиях Арала».

В последующие годы стремление писателей эпически осмыслить и воссоздать историческую эпоху усилилось. Творчество народного писателя Каракалпакстана и Узбекистана, героя Узбекистана Т.Каипбергенова это новый этап в развитии каракалпакской прозы XX века, а также национальной прозы первого десятилетия XXI века. Т. Каипбергенов своими

рассказами, повестями, романами и драматическими, публицистическими произведениями внес весомый вклад в историю развития каракалпакской литературы XX века. Его имя стало известно в каракалпакской прозе начиная со второй половины 50-х годов XX века. Его повести «Секретарь», «Спасибо учителю», «Ледяная капля», «Бессонные ночи», романы «Последний бой», «Дочь каракалпака», «Дастан о каракалпаках», «Зеница ока», «Каракалпак-наме», «Письма дедушке на тот свет» и др. известны не только в нашей республике, но и в других странах ближнего зарубежья, а также за рубежом.

Одна из черт творчества Т.Каипбергенова – стремление автора к эпическому воссозданию исторических событий в жизни своего народа.

Появление в 60-70 годах XX века «Дастана о каракалпаках» Т. Каипбергенова, объединяющего три романа: «Сказание о Маман-бие», «Обездоленные», «Непомянутые» ознаменовало факт восхождения на более высокую ступень развития национальной каракалпакской прозы. Т. Каипбергенов первый создатель каракалпакского исторического романа. Вместе с тем появление данного творения свидетельствует о рождении первого романа - трилогии, романа – эпопеи. В последующие годы писателем были созданы романы-эссе «Каракалпак-наме», «Каракалпакпан. Таукелшимен» и др. Эпический жанр в каракалпакской литературе истоки которого складывались в каракалпакском фольклорном эпосе, а за тем в письменных дастанах поэтов классиков XIX века Ажинияза и Бердаха, развивался и преобразовывался в новые эпические жанровые формы в творчестве каракалпакских писателей Т.Каипбергенова, Ш.Сейтова, К.Мамбетова, К.Каримова и др.

Литература

1. Бахадырова С. Роман хэм дэуир.- Нөкис: «Каракалпакстан», 1978.
2. Камалов К. Каракалпак повести.- Нөкис: «Каракалпакстан», 1978.
3. Кожыкбаев А. Каракалпак романы.- Нөкис: «Каракалпакстан», 1977.
4. Максетов К. Каракалпак халкынын коркем ауызеки дорепелери. - Нөкис: «Билим», 1996.
5. Нурмухамедов М.К., Шығармаларының еки томлығы.- Нөкис: «Каракалпакстан», 1983, 1985.
6. Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. – Ташкент: «Фан», 1974.
7. Нуржанов П. Хэзирги каракалпак роман поэтикасы.-Нөкис: «Билим», 2008.
8. Paxratdinov A. Berdaq shayir dóretiwshiliginiń geypara mashqalaları. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2013.
9. Султанов К. Прозаның раўажланыў жоллары.- Нөкис: «Каракалпакстан», 1977.
10. Тимофеев Л.И., Основы теории литературы. - М.: «Просвещение», 1971.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX аср қарақалпақ насрининг типологик масалалари ёритиб берилган. Унда ҳозирги қарақалпақ насрининг халқ оғзаки ижодиёти анъаналари, хусусан, фольклордаги насрий баён билан типологик алоқалари ўрганилган. XX аср қарақалпақ адабиётининг насрий ва жанрий ўзига хослиги типологияси XIX аср қарақалпақ адабиётининг насрий асарлари билан қиёсий аспектда тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы типологии каракалпакской прозы XX века. Типологические связи современной каракалпакской прозы с образцами устного народного творчества, в частности с прозаическим повествованием фольклора. Типология эпического жанра каракалпакской литературы XX века изучается в сравнительном аспекте с эпическими произведениями каракалпакской литературы XIX века.

SUMMARY

The given article deals with some issues of the typology of the XXth century's Karakalpak literature. There is analysed typological relation of the modern prose with samples of folk, moreover it is also depicted by prosaic descriptions of the folk mayerials. Typology of epic genre of Karakalpak literature of XXth century studies in comparison with epic literary texts of the XIXth century's karakalpak literature

“ТАРКИБАДАҲШОН” ДОСТОНИ ВА УНИНГ “ТҶҮРҶҲЛИ” ЭПОСИ ЎЗБЕК ВЕРСИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

М.Жўраев - филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Н.Очилов - филология фанлари номзоди

Қариш давлат университети

Таянч сўзлар: бахшилиқ санъати, бахши, достон, эпос, эпик репертуар, Шерабад достончилиқ мактаби, сюжет, эпик қаҳрамон, мифопозтик талқин, эпик билим.

Ключевые слова: искусство бахши, сказитель, эпос, эпический репертуар, Шерабадская дастанная школа, эпическая поэзия, сюжет, эпический герой, мифопоэтическая интерпретация, эпическое знание.

Key words: Bakhshi art, storyteller, epic, epic repertoire, Sherabad dastannaya school, epic poetry, plot, epic hero, mythopoetic interpretation, epic knowledge.

Маълумки, мамлакатимизда миллий қадриятларимиз тимсолига айланган номоддий маданий мерос дур-

доналари, жумладан, бахшилиқ санъатини сақлаб қолиш, ривожлантириш, айниқса, ёш бахши-шоирлар

ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили Термиз шаҳрида бахшичилик санъатига бағишлаб халқаро фестивал ўтказилганлиги, Бахшилар маркази ташкил этилганлиги, бу соҳада устоз-шогирдлик муносабатлари изчил тараккий этирилаётганлиги фикримиз далилидир. Зеро, бахшилик санъатининг гултожи ҳисобланган эпос халқ бадий тафаккурининг солномаси, қахрамонона ўтмишининг рамзий ифодасидир. У умуммиллий ҳодиса сифатида миллат маънавий муҳитида бирлаштирувчи эстетик-ҳаётий куч сифатида амал қилади. Ҳаётга ижтимоий намуна бўлувчи ғолиб шахслар номини тилга олиш ва шу номлар асосида ибрат бўлувчи эпик тимсолларни юзага келтиради. Айниқса, “Гўрўғли” ва у билан боғлиқ катта-кичик дoston намуналаридаги образлар мана шундай улуғвор вазифаларни умумлашма кўринишда бадий акс эттирганлиги билан диққатга сазовор. “Таркибадахшон” достони ва унинг бош қаҳрамони Авазхон ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Дoston бугунги жонли жараёнда бахши-шоирлар томонидан ижро этиб келинаётган бўлса-да, Чори бахши Умиров репертуаридан ёзиб олинган варианты ғоявий-бадий мукамаллиги билан ажралиб туради.

Ўзига хос ижрочилик маҳорати, сўзга ғоят чечанлиги, анъанавий эпик сюжетларни жуда яхши билиши ва бадий ҳофизаси кенг қўламлилиги билан алоҳида ажралиб турувчи атоқли сўз санъаткори, Ўзбекистон халқ бахшиси Чори Умиров Шеробод дostonчилиқ мактабининг дoston ижро этиш усул ва йўлларини, анъаналарини жонли эшитиб, ўзлаштирган сўнгги бахшиларидан бири ҳисобланади. Чунки дostonчилик мураккаб санъат турларидан бири бўлиб, уни ўрганиш ва ўзлаштириш ишлари оғзаки амалга оширилган. Бахшичилик махсус тайёргарликни талаб этувчи ўзига хос мураккаб санъат тури ҳисобланади. Профессинал тайёргарлик, яъни таълим беришнинг оғзаки асосда ўргатилиши шогирд бахшиларни дoston куйлари ва ижро шакллари эгаллаши, дoston матнларидаги воқеаларни ёд олдириш, уни такрорлатиш ёрдамида босқичма-босқич амалга ошириб борилган. Устоз бахшиларнинг қишлоқма-қишлоқ юриб, талантли, иқтидорли ёшларни танлаш ва уларга дostonчилик сирларини ўргатиш ишлари анъанавий тарзда давом эттирилган.

Асрий анъаналар замирида шаклланган, ривож топган дostonчилик ва бахшичилик санъатининг устоздан шогирдга ўзлашиб, такомиллашиб, қаътий анъаналар асосида ижро ва ижод этилиш жараёнлари ҳам шу билан боғлиқ жараёнлардан ҳисобланган. Зеро, бахшичилик санъатида устоз ва шогирд, бахши шахси ва унинг дoston ижроси, анъана ва бадиҳа, жамоа ва индивидуал ижод, соз ва сўзнинг бадий таъсир кучига амал қилиш бахшилар эстетик идеалининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бахшилар жонли анъаналар асосида дoston ижро этиш, дostonчилик анъаналарига эътибор қаратиш ва аудитория олдида мунтазам чиқиш қилиб, ўз репертуарини яратиши ижодий жараённинг асосий белгисидир.

Эпик ижронинг қаътийлашган ва маълум анъаналар доирасида жонли ижодий жараёнларда яшаши ва давом этиш босқичлари бахши-шоирлар иқтидори ва бадиҳағўйлик маҳоратини юзага келтирган омиллардан ҳисобланган. Б. Путилов ибораси билан айтганда: “Эпик асарларни куйловчи ижодкор туғилади, ўсади, бу санъатни ўрганиб, ўз репертуарини яратади ва охиروқибатда тингловчилар олдида мунтазам чиқиш учун уста санъаткор бахши бўлиб шаклланади” [8:80]. Ижро этиш ва ижодий жараёнда юзага келган бундай хусусиятлар дostonчилик мактаблари ва бахши-шоирлар репертуарининг такомиллашувидаги асосий йўллардандир.

Чори бахши Умиров ҳам дoston куйлаш усул ва йўлларини оиласи даврасида, аниқроғи ўз даврининг иқтидорли бахшиси Умир шоир Сафаровдан кунт билан ўрганиб, репертуарини бойитди ва халқ ўртасида машхур дostonчи сифатида танилди. Ўттизга яқин анъанавий дoston ва термаларни ўзлаштирди. “Таркибадахшон” достони ҳам Умир шоир репертуарида мавжуд бўлиб, Чори бахши уни ёшлигида кўп бора эшитиб ўзлаштирган. Буни бахши дoston хотимасида “Кўп дostonни ўрганганман Умир шоир отамдан” [12], деб эслайди.

Ҳозирга қадар бошқа бахшилардан “Таркибадахшон” достонининг бошқа бирор варианты ёзиб олингани йўқ. Бинобарин, ушбу достонни ёзиб олиб, Чори бахши Умиров ижодий лабораториясини анча яхши ўрганган фольклоршунос А.Эргашевнинг айрим қайдларини [10:56-64] ҳисобга олмаганда дoston деярли тадқиқ этилганича йўқ.

Дoston “Гўрўғли” туркумлигининг ишқий-романик турига мансуб бўлиб, унда воқеалар Авазхоннинг Таркибадахшондан Гулрухсорни излаб, Гўрўғлига келтириб бериши ва бу йўлда турли-туман саргузаштлар ҳамда зиддиятларга дуч келиш воқеалари тасвирланади. Сюжет ва композицион яхлитлиги, мотив ва образлар таркиби, ғоявий-бадий хусусиятлари билан мустақил дoston сифатида алоҳида ажралиб туради. Дostonнинг ғоявий мақсади эзгулик ва чин инсонийлик туйғуларини улуғлаш, бу йўлда тўсиқ бўлувчи ҳар қандай кучларга қарши курашиш Авазхон образи мисолида кўрсатиб берилган. Эпик қаҳрамон Авазхон зиммасига мана шундай улуғвор вазифаларни бажариш масъулияти юкланган. Бу йўлда қаҳрамон бор тажрибаси ва маҳоратидан фойдаланади.

Дoston сюжети қуйидагича: Гўрўғлининг Гулрухсорни тушида кўриши, уни олиб келиш мақсадида Авазхоннинг Таркибадахшон сафарига отланиши, бундан хабар топган Аҳмад сардорнинг укаси Юсуфбек билан маслаҳатлашиб, Авазхон изидан тушиши қизиқарли тасвирларда берилган. Аҳмад сардорнинг мақсади эса Авазхонни йўқотиш орқали Чамбил юртига эгалик қилиш. Аммо Аҳмад сардор ҳар қанча ҳаракатда бўлса-да, бунга имкон топа олмайди. Шундай бўлса-да, Авазхоннинг Таркибадахшондан қайтиш жараёнида унга келтирилган жиддий зарар Аҳмад сардорни Чамбил юртини тарк этиб қочиб кетиш воқеаларида давом этади. Авазхон ва Аҳмад сардор образлари ўртасидаги келишмовчилик, қарама-қаршилиқ дostonда аниқ деталлар ёрдамида кўрина боради. Шу ўринда айтиш лозимки, Аҳмад сардор образи ва унга муносабат дostonчилик мактаблари ва бахши-шоирнинг эстетик идеалидан келиб чиққан ҳолда турлича кўринишда таърифланса-да, Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги, айниқса, Шеробод мактаби бахшилари репертуарида унга бўлган муносабат баъзи дostonларда салбий кўринишда тасвирланган. Ҳаттоки, Аҳмад сардорнинг ўлими ҳақида махсус дostonлар ҳам ижро этилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Қашқадарёлик Маҳмадмурод бахши Ражабов репертуарида мавжуд “Аҳмад сардорнинг ўлими” достони (дostonнинг аудиоёзуви фольклоршунос олим Насим Очиловнинг шахсий архивида сақланади) ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Маълумки, дostonда тасвирланган эпик макон Таркибадахшон тилсимли ўлка бўлганлиги боис унга олиб борувчи йўл ҳам тилсимлидир. Дostonда бундай тасвир қўлдаги кийик воқеаси ва сандик тилсимида мужассамлашади. Сандикнинг мифопоэтик талқинида ер ости дунёси билан боғлиқ дунёқараш мужассамлаштирилганлиги бир қатор тадқиқотларда айтиб ўтилса [7:217], кийик кўпгина эртақ ва дostonларимизда ҳосилдорлик ва аждоқлар культининг рамзий ифодаси эканлиги маълум [3:321-334]. Сандик

ичидаги етти қуртнинг етти дев эканлиги ва улардан Оксоқ дев қўлнинг тагида-ер остида Окдевшоннинг Гулрухсорни Авазхондан яшириб олиб кетганлигини айтади. Гулрухсорни девлар қўлидан озод қилиниши ҳам рамзий-мажозий асосига эга, албатта.

Достонда бундан ташқари рўмол детали ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам маълум тарихийлик асоси нуқтаи-назаридан магик-ритуал вазифа бажаради. Маълумки, ўзбек халқ достонларида учрайдиган ғаройиб хусусиятга эга рўмолча (ёки қўлрўмол) детали эпик қахрамонга қаратилган сеҳр-жодунинг таъсир кучини қирқиб, сархушликнинг ёки беҳуш бўлишнинг олдини олиш, қахрамоннинг ўз шаклу шамоилини ўзгартиришини таъминлаш укаби вазифаларни бажаради. Жумладан, Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган “Гулшанбоғ” достонида Гўрўғлининг Занги мамлакатига келганидан хабар топган Ойжамол аввал ширин муомала қилиб, кейин хийла йўлга ўтиб, Гўрўғлига дорийи беҳуш беради. Шунда қахрамон ёнидаги ғаройиб қўлрўмол билан юзини артади, натижада дори унга сираям таъсир қилмайди. Гўрўғли Эрам боғидан Юнус парини олиб келган вақтида бир заррин қўлрўмолни пари унга берган эди. Бир ёққа чиқадиган бўлса шу қўлрўмолни Гўрўғлига бериб қўяр эди. Агар захарни сув қатори ичиб туриб, шу рўмол билан овзини артса баданига мойдай ош бўлиб кетар эди. Шунинг учун ҳам Ойжамолнинг берган дориси Оға Юнус парининг рўмоли туфайли Гўрўғлига таъсир қилмайди. Хоразм бахшилари орасида машҳур бўлган “Ошиқ Маҳмуд” достонида ҳам “марҳабо” деб аталадиган сеҳрли рўмол детали бор [13:16].

“Зулфизар” достонининг Тўра Хидиров вариантыда ҳам Гўрўғли сафарга жўнаётган Авазхонга ўзининг боғи Эрамдан келтирилган “хосияти рўмоли”ни бериб юборади. Худди “Гулшанбоғ” достонидаги каби бу асарда ҳам рўмолча Авазхонни сархуш бўлишдан сақлаб қолади. Шу билан бирга, достонда сеҳрли рўмолчанинг яна бир ғаройиб жиҳати — эпик қахрамоннинг шаклу шамоилини ўзгартириш олиш хусусияти намён бўлади: Авазхон рўмолчани ўзига суртиш орқали кичрайиб қолади ва тутинган опасининг куйлаги ичига кириб олиб, яширинча кизлар йиғинига боради [14:22]. “Таркибадахшон” достонида эса Асалоининг рўмоли учига хатни туғиб бериши ва уни онасига юбориши эпизодлари Авазхонга ишонч туйғусини шакллантиради. Ўзбек халқ достонларидаги хосиятли рўмол детали нарча-предметларда магик куч бор деб тасаввур қилишга асосланган фетишистик қарашлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Достон ўзига хос сюжет таркибига эга. Унда воқеалар Чамбил ва Таркибадахшон оралиғидаги эпик маконда кечади. Демак, эпик маконнинг ўтмиш воқеалари билан боғланиши ундаги воқеаларнинг ҳам қадимийлиги, қахрамонлар фаолияти ва иштироки ўтмишдаги вақт оралиғи, яъни замон билан боғланиш ҳолати эпик асарлар учун қонуний бир ҳолатдир. Шундай экан, достондаги сюжет воқеалари эпик маконда юзага келиб, замонда ривожланади ва ўз ечимига эга бўлади. Замон ва макон уйғунлиги достон воқеаларини, образлар хатти-ҳаракатини бир-бири билан боғлайди. Қахрамонларнинг хатти-ҳаракати ва руҳий кечинмалари шу оралик масофада кечади. Мана шу узвийлики боғлаб турувчи, сюжетда муҳим ўрин эгаллаган мотив ва образлар ҳаракати ҳам эпик макон ва замон оралиғи масофасидаги ғоявий мақсад билан уйғундош.

Достон конфликтининг юзага келиши, қахрамонлар ҳаётидаги кураш ва интилишлар эпик замон нуқтаи-назаридан баҳоланса-да, эпик макондаги олам ва тасаввурлар ўтмиш тафаккури ҳосиласида юзага келган ҳаракатлар билан боғланади. Достон воқеалари, образ ва мотивлар, рамзий ифодадорларнинг барчаси эпик макон ва

замон муносабатларида анъанавий қолиплашган. Шунинг учун маконнинг қадимга боғланиши эпик вақтда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг, тафаккур ва дунёқарашнинг образлар кечинмасида рамзий тасвирланиши аҳамиятлидир. Эпик замон боғлиқлиги, айниқса, достонларда туш ва у билан боғлиқ мотивларда муҳим ўринга эга.

Сюжет структурасида муҳим ўрин тутувчи, воқеаларни ҳаракатга келтирувчи туш мотиви ҳам замон ва макон ўлчови доирасида содир бўлади. Мотивнинг сюжетдаги ўрни масаласи борасида А.Н.Веселовский, Е.М.Мелетинский, Б.Н.Путилов, С.Ю.Неклюдовларнинг назарий қарашлари асослидир [1,4,5,6,9]. Жумладан, А.Н.Веселовскийнинг “мотивлар бирлашиб, сюжет халқасини юзага келтиради” [1:305], деган фикрларида мотивнинг сюжетни ҳаракатга келтиришдаги муҳим хусусиятлари кўрсатилади. Ўзбек фольклоршунослигида туш мотивини алоҳида тадқиқ этган олим Ж. Эшонқулов эпосда туш мотивининг бадиий-функционал хусусиятларига тўхталади: “ўзбек достонларидаги туш синови, уйланиши, сафар, қайтиш каби мотивлар билан чамбарчас боғланган ҳолда келади. Достон сюжетининг кейинги “тақдири” ана шу туш мотиви билан бевосита боғлиқ” [11:28]. Демак, сюжетнинг юзага келишида мотив асосий халқа вазифасини бажарар экан, “Таркибадахшон” достонида ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Достон структурасида туш уч кўринишда-достон бошланмаси, воқеа ривож ва хотима қисмида учрайди ҳамда ҳар бири қўлланиши жиҳатидан воқеаларга турлича таъсир кўрсатади. Бошланмадаги Гўрўғли туши конфликтни юзага келтиради. Чунки Авазхоннинг Гулрухсорни излаб Таркибадахшон сафарига отланиши бевосита тушда кечган воқеаларнинг изоҳланиши достон сюжетини янада изчиллашуви, қахрамонлар фаолиятидаги драматик вазиятларни кучайтиради. Бошланманинг анъанавий Гўрўғли ва эпик макон Чамбилдан туш эпизодига ўтиш жараёни мана шундай контраст ҳолатни юзага келтирган. “Қулардан бир куни Гўрўғли султон ухлаб ётган жойида туш кўрди, шундан кейин ўзини хуш кўрди, тушини жўратишга Мисқол, Юнусни пеш кўрди. Гўрўғли султон жойидан туриб, бомдод намозини ўқиб, Мисқол, Юнус парининг олдида бориб, иккисининг ҳолу ахволини сўраб, инграиб жойидан туриб: — Кеча мен бир туш кўрибман, шу тушимни жўраб беринг, парилар, — деб бир сўз айтиб турган экан:

Букадай қиб араб отим сурибман,
Нима бўлса, тақдир Ҳақдан қўрибман,
Сизлар билан битта боғда юрибман,
Кун чиқардан туккан ойни кўрдим-да,
Кун ботирдан яна бир ойни кўрибман (9-10-б.).

Мисқол ва Юнус парилар Гўрўғли тушини изоҳлар экан, эпик қахрамон ҳаётида ўзгариш ясади, уни ҳаракатга келтиради. Тушдаги боғ ва ой рамзий деталари оила ва унинг бахт-саодати бўлиб, эпик қахрамон Гўрўғли оиласида Гулрухсорнинг ой каби тўлишиб турганидан далолат бермоқда. Аммо энди қахрамоннинг кучдан қолган, кексайган даври бўлиб, у маънавий кўмакка эҳтиёж сезади. Авазхон эса Гўрўғлини ҳар томондан қўлловчи, мадад берувчи ва садоқатини намён этувчи образ сифатида достон воқеаларига кириб келади. Бу эса Авазхоннинг Гўрўғлига издош, вафодор фарзанд эканлигини исботлашга яна бир имкон пайдо қилади.

Чори бахшининг маҳорати, достончилик анъаналари замирида шаклланган индивидуал ижоди асосида Авазхон мукамал образ даражасига кўтарилган. Достон воқеаларида бахши Авазхон образига алоҳида тўхталар экан, баъзан унинг душман тўсиқларига дуч келиш эпизодларида қандай руҳий вазиятни кечириши, мана шундай жараёнларда у бор тажрибасини ишга

солиши, душман исканжасидан кутулиш йўллари излаши тасвирлари тингловчи қалбига изтироб солади, уни қахрамон фаолияти ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириб боришига имкон яратади.

Бахши эса ижро жараёнида қахрамоннинг рухий кечинмаларини бор маҳорати билан тасвирлашга ҳаракат қилади. Октов тоғидан тушиб келаётган Авазхоннинг Ғирот билан жодугар тўрига илиниб, Ғиротга айтаётган сўзларида оғир дамлардаги вазият, ҳолат ва кечинмалари нафақат инсонни балки ҳайвонотга ҳам таъсир кўрсатиш эпизодларини бахши куйидагича бадий лавҳаларда чиза олган:

Учқур эдим канотимдан қайрилдим,
Чопкир эдим туёғимдан тойрилдим,
Иложим йўқ қаддим букиб жийрилдим.

Ўлар бўлдим рози бўлгин, дол Ғирот,
Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим (233-б.).

Бундай рухий вазиятга чидаш бераолмаган эпик от-Ғирот ҳам қилган хатоларидан пушаймонлик аломатини сезади, ўзини айбдор сифатида ҳис этади. Воқеалар қизгин ва бир-бири билан изчил боғланади. Гарчи Авазхон дoston воқеаларини шиддатли тарзда тасвирини кучайтирувчи бош образ саналса-да, унинг қахрамонлиги, шижоати, кураш ва интилишлари Ғиротнинг ёрдамида, қўллаб-қувватлашида амалга оширилади. Умуман, барча туркум дostonларида Ғирот жанговор от сифатида эпик қахрамонларнинг барча мушкул ҳолатлардан қутқарувчи, ҳимоя қилувчи персонаж сифатида иштирок этади.

Отнинг қахрамонни ҳимоя қилиши дostonлар учун шунчаки тасодифий ҳолат ҳисобланмасдан, балки халқнинг отга бўлган эътиқодий қарашларининг мифопозтик талқини ҳисобланади. “Эпик асарларда қадимий мифологик от образларининг излари ҳам кўзга ташланиб туради. Қадимий диний эътиқодлар ва мифларни ҳисобга олмасдан ўзбек халқ эртақлари, топишмоқлари ва дostonларидаги от образларини тўғри тушуниш ва тўғри талқин этиш мумкин эмас... Ғиротнинг ирсий томони маҳаллий аргумоқ билан араб оти эканлиги бир қанча ерда қайд этилгани ҳолда унинг бобоси, баъзан отаси сув оти бўлганлиги таъкидланади. Ғирот аждодини ер ва сув отидан деб таърифлаш асосан “Тўрўғли” дostonлари учун характерлидир” (15:76). Шу жиҳатидан Ғирот нафақат қахрамонга йўлдош балки унга куч-қувват берувчи, хавф-хатарни олдиндан билувчи образ сифатида гавдалантирилади.

Қайд қилиш жоизки, Ғирот дoston воқеаларида Авазхонни қўллаб ўринларда душман ҳийласидан огоҳлантирувчи, унга насиҳат қилувчи образдир. Бахши Ғирот образини тасвирлашда дostonчилик анъаналари доирасида унга ишлов беради. Ғиротга хос барча анъанавий кўринишлар, хатти-ҳаракатлар бирма-бир кўзга ташлана боради. Айниқса, Авазхон Ширмон мамлакатидан чиқиб, йўлини давом эттирар экан, бир зовга бориб қамалиш тасвирида Ғирот Авазхонни жодугардан саклаш мазмунида унга ғамхўрлик қилади: “Мана дол Ғирот Аваз учун жонини берган, бундай жойларнинг нечовини кўрган, овда-товда доим бирга юрган. Авазхон ғафлат қолмасин, қоронғида кўрмай қолади, деб эҳтиёт бўлиб, ҳар тарафга тўхтаб-тўхтаб кулоқ солиб қараб кетаверди. Бир маҳал дол Ғирот қараса, бир нарсанинг панасидан битта жодугар соғимлаб кўринаётди, Авазга қараса сезмаётди, дол Ғирот бунни кўраётди, қоронғидан чиқишга ҳам бир он юз қадам қолганга ўхшайди, бир шуъла ҳам ураётди, Аваз отнинг устида, баландда кўрмаётди... Мана шунда дол Ғирот Авазни ҳушёр қилиш учун усти-устига бир жойда туриб кишнай берди” (114-б.).

Ғирот ҳушёрликни йўқотса, Авазхон кейинги манзилга етиб боришда қийинчилик сезади ёхуд душман қўлида таслим бўлади. Авазхон ва Ғирот

муносабатлари масаласи дostonнинг қўллаб тасвирларида учрайди. Авазхон Таркибадахшонни топишга қийналиб, руҳан тушқунликка тушган вазиятларда Ғиротнинг илдамлик билан ҳаракат қилиш тасвирлари, айниқса, Ҳабсар дев билан бўлган жангдаги жасоратларидан қахрамон хурсанд бўлади, унга бўлган ишончи янада ортиб, ўзини руҳан ва жисмонан қўлга олиб, мақсади сари интилишда давом этади. Ғирот воқеаларда баъзан инсонлар каби хурсанд бўлса, баъзи ўринларда хафа бўлади, жаҳли чиқади:

Ғиротнинг кўнгли бузилди,
Ипакдай бўлиб сузилди,
Ердан оёғи узилди.
Ҳар қўлтиқдан олти газдан,
Ғирот каноти ёзилди (215-б.).

Ғирот образи дostonда ишонарли ва мукаммал тарзда тасвирланиб, воқеаларнинг кенг планда давом этиши, қахрамон мақсади ва орзу умидларининг рўёбга чиқишида, Тўрўғли ва Чамбил юртининг халосқори сифатида ҳаракат қилиши ғоявий-бадий жиҳатдан кўрсатилган. Шунингдек, дoston воқеалари қизиқарли асосда давом этар экан, унда бир қатор ҳолатлар Авазхон сафарига ҳамоҳанглик бахш этади. Полапон тоғида Зулфизарнинг девлар зулмидан озод қилиниб унга Авазхоннинг уйланиш тасвирлари Авазхон ва Зулфизар ҳақидаги анъанавий сюжетни эслатади. Асар сюжетида бир умумий мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ тасвир етакчилик қилинса-да, унда иштирок этган образ ва тасвир воситалари мураккабликни ташкил этади. Сафар мобайнида эпик қахрамон Аскар тоғ, Қора тоғ, Полапон тоғ, Кўктоғ, Ёнартоғ, Тойчоқтоғ, Тешиктоғ каби тоғлар, ғорлардан ўтиши жараёнида бир қатор тўсиқларга, қизиқарли ҳодисаларга дуч келиб, йўлдаги мураккабликларни баъзан Ғирот кўмаги, баъзан қаландарлар, баъзан эса ўзининг тажрибаси ва ақлига ишонган ҳолда енгиб ўтади.

Дoston Чори бахши репертуаридаги “Тўрўғли” туркум дostonларининг бадий жиҳатдан мукаммалидир. Унда тасвирга тортилган қахрамонлар портрети, табиат манзаралари, лирик ифодалар, сажъ санъати, бадий-тасвир воситалари маҳорат билан ижро этилганки, бу каби ҳолатлар бахшнинг дostonчилик фаолиятидаги маҳорат кирраларини кўрсатади. Шу билан бир қаторда бахши дostonчилик анъаналарига риоя қилган ҳолда ижро этган бўлса-да, унда ёзма адабиётга хос тасвир элементлар учрайдики булар бахшнинг саводхонлиги, шеър назариясини яхши ўзлаштирганлиги билан боғланади. Бахшиларнинг саводхонлиги, ёзма адабиёт намуналари ва чоп эттирилган дostonларни ўқиб ўзлаштиришлари уларнинг эпик хотира ва билимига таъсир кўрсатиши аниқ бўлган ҳолатлардандир.

Бахши тўртлик, бешлик, олтилик, еттилик, саккизлик, тўққизлик ва ўнлик бандларни изчилик билан келтириб, қофияда маълум тартибликка эришади. Дostonда, айниқса, бешлик ва олтилик бандлар воқеаларнинг изчил кечиши, қахрамонлар рухий ҳолатини ифодалашда қўллаб ўринларда қўлланилган. Чори бахшнинг устози Умир бахши Сафаров репертуаридан ёзиб олинган дoston матнларидаги назмий қисмлар қофияланиш тартибига кўра тўртлик бандлардан ташкил топган бўлса-да, бунда изчилик ва давомийлик кўзга ташланмайди. Бандлар иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва х.к. тарзида давом этади. Ҳатто бандлардан ажралган мисралар ҳам мавжуд. Чори бахши репертуаридаги ушбу дoston матнида қўлланилган шеърий мисралардаги бандларнинг маълум тартиблик асосида учраши дostonчиликдаги сифат ўзгаришлари эмас, балки маълум даврдаги ўзгаришлар натижасида юзага келган ҳодиса деб баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, Чори бахши Умиров мустақил сюжет ва композицион тугал эпик асар репертуаридан ёзиб олинган “Таркибадахшон” достони намунаси сифатида алоҳида ажралиб туриши билан “Ўзғўгли” туркумига мансуб достонлар таркибида диққатга сазовордир.

Адабиётлар

1. Веселовский А. Историческая поэтика. –Л.: «Высшая школа», 1989.
2. Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. –М.: «Наука», 1974.
3. Кузнецова З.С. Легенда об олене: фольклорный характер источника. // Исследования и публикации по истории античного мира. Вып.2. СПб., 2003. – С321-334.
4. Мелетинский Е.М. Семантическая организация мифологического повествования и проблемы семиотического указателя мотивов и сюжетов // Ученые записки Тартуского государственного университета. Вып. 635. –Тарту: 1983. – С.115-128.
5. Неклюдов С.Ю. О некоторых аспектах исследования фольклорных мотивов // Фольклор и этнография: У этнографических истоков фольклорных сюжетов и образов. –Л.: 1984. – С.221-229.
6. Путилов Б.Н. Мотив // Путилов Б.Н. Фольклор и народная культура. СПб., 1994. – С.172-183.
7. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. –Л.: 1989.
8. Путилов Б. Эпической сказительство. – М.: «Восточная», 1997.
9. Путилов Б.Н. Веселовский и проблемы фольклорного мотива. // Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы. –М.: 2016. – С.74-85.
10. Эргашев А. Ойлави бахшилар сулоласи. –Қарши: 2019.
11. Ёшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол. фан. доктори автореферати. –Тошкент: 2010.
12. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1814/І-ІІІ. “Таркибадахшон” (достон). Айтувчи Чори бахши Умиров. Ёзиб олувчилар А.Қаҳҳоров, А.Эргашев. 2-б.
13. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1427. 16-б.
14. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1504. 22-б.
15. Зарифов Х. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. –Тошкент: «Фан», 1976, 76-б.

РЕЗЮМЕ

Мақола Шеробод достончилиқ мактабининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ бахшиси Чори Умировнинг эпик репертуарида қайд қилинган “Таркибадахшон” достонининг сюжет тузилиши ва ғоявий-бадий хусусиятлари таҳлилига бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена анализу сюжетной структуры и идейно-художественных особенностей дастана “Таркибадахшон”, зафиксированного в эпическом репертуаре известного представителя Шерабадской дастанной школы, Народного бахши Республики Узбекистана Чори Умирова. Анализируются художественно-эстетические функции основных мотивов и определяется своеобразная трактовка эпических образов.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the plot structure and ideological and artistic features of the dastan “Tarkibadakhshan”, recorded in the epic repertoire of the famous representative of the Sherabad dastan school, People’s Bakhshi of the Republic of Uzbekistan Chori Umirov. The artistic and aesthetic functions of the main motives are analyzed and a peculiar interpretation of epic images is determined.

«ШЭРИЯР» ДЭСТАНЫНДА ҚАҲАРМАНЛАР ОБРАЗЛАРЫНЫҢ ЖАСАЛЫҰ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

Ш.К.Кенесбаева – таяныш докторант

Әженияз атындағы Нәпис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таяныч сўзлар: достон, достон қаҳрамони, қаҳрамон образининг яратилиши, реалистик ва фольклористик сифатлар, идея ва образ, образлар холати.

Ключевые слова: дастан, герои дастана, создание героического образа, реалистические и фольклорные качества, идея и образ, состояние образов.

Key words: epos, heroes of an epos, creation of the heroic image, realistic and folklore qualities, idea and image, image status

Биз «Шэрияр» дэстанына бағышланған мақалала-рымыздың биринде [1:110-113] усы дэстандағы Гүлшара образына кең талқы ислеп, усы образ аркалы карақалпақ хаял-қызларының миллий өзгешеликleri хәр тәрәплеме ашып берилген хәм бул образ хаял-қызларды әдалат, өмир хәм шаңарақтың бир пүтинлигин сақлап қалыу ушын гүресте адамларды төзимликке, сабырлылыққа хәм хұжданлылыққа шақырыушы образ, деген жуўмаққа келген едик.

Әлбетте, хәр қандай көркем шығармада, ол, мейли, фольклорлық, ол, мейли, реалистик әдебият туўындысы болсын, қаҳарман образы жекке бөлек турған халда жаратылмайды. Хәқыйқый турмыста адамлардың өз ара қатнаста болғанындай, көркем шығармада да бир қаҳарман екінши бир қаҳарман менен тығыз байланысқан халда жаратылады. Мине, усындай қаҳарманлар образларының бир-бири менен байланыслылықта жаратылыуы аркалы көркем шығармада тутас қаҳарманлар образының галереясы, былайынша айтқанда, образлар системасы, жүйеси пайда болады. Мысалы, «Шэрияр» дэстанындағы Гүлшара образына баҳа беріу ушын дэстанда қатнаста-туғын басқа да хаял-қызлар образына, хәтте қаҳарман-лар образының тутас галереясына пикир жүритіуе, талқы ислеуе туўра келеди.

Усы көзқарастан «Шэрияр» дэстанындағы қаҳар-манлар Шэрияр яки Әнжим образларына талқы ислей-

туғын болсақ, бул образларға дэстанның тийкарғы қаҳарманлары хәм қатнасыушы персонажлары болған Шахидарап, Гүлшара, Томан ўэзир, Шасыўар, Ақдәўлет, мәстан кемпир, шопан, Қодар кул хәм т.б.лардың образларысыз баҳа берип болмайды. Себеби дэстан қаҳарманларының тәғдири, өмир жолы бир-бири менен тығыз байланысқы халда бериледи. Атап айтсақ, дэстандағы Томан ўэзир образысыз патша Шахидарап-ты да, оның зайыбы Гүлшараны да, ул-қызлары Шэрияр менен Әнжимди де түсинип болмайды.

Дэстанда Томан ўэзир образы хәқыйқый өмирдеги-дей исенимли хәм көркем етип жаратылған образлар-дың бири. Себеби, социалисттик реализм методы үстем болып турған тоталитар заманда патшалар, ўэзирлер залым, ақмақ, топас етип көрсетилетуғын еди. Бул карақалпақ аўызеки дөретиўшилигинде, соның ишинде «Шэрияр» дэстанында, басқа дэстанлардағыдай Томан ўэзир образы басқаша, халықлық көзқараста жасалады. Мәселен, Гүлшараға күшик пенен пышық туўдың деп жала жабылады хәм Шахидарап патша: «кимде-ким Гүлшараға бир уртлам суў, бир тислем нан берсе, өзи өлимдар, малы талаўда» деп қалаға жар урдырады. Мине, усыған қарамастан Томан ўэзир Шахидарап патшаның қаласынан қуўылып, қаңғырып баратырған-да:

Ашылғанда қызыл гүлиң солды ма,
Әжел жетпей шул пайманаң толды ма,